



ТОШКЕНТ ҲАҚИКАТИ

2009 йил
7 октябрь
ЧОРШАНБА
№ 80
(12.196)

1928 йил 11 декабрда асос солинган

Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси

Эркин нархда сотилади

www.th.uz

ТОЛАМИЗ ШУҲРАТИ ОШМОҚДА

Шу йил 14-15 октябрь кунлари
пойтахтимизда V Халқаро Ўзбекистон
пахта ярмаркаси бўлиб ўтади



Мамлакатимизда изчил-
лик билан амалга ошири-
лаётган ишхонлар бoшқа
соҳаларда бўлгани каби
пахта ҳам ашёси етишти-
риш ва экспорт қилишда
ҳам ўзининг юксак самара-
ларини бермоқда. Пахта-
корларимиз етиштирилган
юқори сифатли тола узун-
лиги, пишиқлиги, ранги ва
микронейр курсаткилари
жиҳатидан хориқлик хари-
дорлар томонидан халқаро
миқёсда кенг тан олинган.

Сифати жаҳон андозала-
рига тўла мос толамизнинг
асосий қисми Хитой, Рос-
сия, Туркия, Жанубий Ко-
рея, Сингапур, Польша,
Бангладеш, Бирлашган
Араб Амирликлари каби
давлатлар томонидан харид
қилинмоқда. Жанубий-
Шарқий Осиё мамлакатла-
ри тўқимачилик корхонала-
рининг ўзбек толасига
эҳтиёжи тобора ортмоқда.

Юртимизда етиштирил-
ган пахта толасини сотиш
ва қайта ишловчиларга бе-
восита етказиб бериш,
ўзбек пахтасининг нуфузи
ҳамда экспорт салоҳиятини
янада оширишда давлати-
миз раҳбари Исроф Карим-
ов ташаббуси билан анъ-
анавий тарзда ўтказиб ке-
ляётган халқаро пахта
ярмаркаси муҳим аҳамият
қасб этаётди. Мазкур тад-
бир мақсулоти харидорга
воситаларисиз, тўридан-
тўри етказиб бериш ме-
ханизмининг янада такомил-
лаштириш, хориқлик хари-
дорлар сафини кенгай-
тириш имкониятини ярат-
моқда.

Мамлакатимизда пахта-
корларимиз етиштирган то-
лани харидорларга пешма-
пеш етказиб беришни йўлга
қўйишга ихтисослашган йи-
гирма иккита минтақавий
пахта терминали фаолият
юртмоқда. Пойтахтимиз-
нинг Сергели туманида
жойлашган "Тошкент-Тола"
пахта терминали уларнинг
энг йириги. Ҳудудлараро ма-
комга эга ушбу корхона
пойтахт вилоятининг тўққиз-
та пахта тозалаш корхона-
сида ҳамда Андижон вилоя-
тида тайёрланган толани
"Ўзсанотмашинпекс",
"Ўзмарказимпекс", "Ўзинте-
римпекс" давлат акциядор-
лик таъшиқ савдо компания-
лари билан тузилган шарт-
номаларга мувофиқ ички
истеъмолчилар ҳамда хо-
риқлик харидорларга ет-
казиб бермоқда.

— 2008 йилда етишти-
рилган пахта ҳосилидан ха-
ридорларга 63 минг тонна
тола етказиб бердик, —
дейди "Тошкент-Тола" мин-
тақавий пахта терминали
директори Рашид Умархў-
жаев. — Айни пайтда 14-15
октябрь кунлари пойтахти-
мизда бўлиб ўтадиган халқ-
қаро пахта ярмаркаси пах-
та тайёрларлик қўймоқда-
миз. Ушбу анъанавий яр-
марка йилнинг энг қулай
вақти — пахта толаси бозо-
рида савдо фаолиятини
пайтда ташкил этилиши
ишлаб чиқарувчилар ва
қайта ишловчилар учун бир-
дек манфаатлидир. Корхо-
наимизда барча оғирхона-
ларни таъмирлаб, харидор-
ларга янада қулайлик яра-
тиш бўйича мақсус дастур
ишлаб чиқдик. Қўрғазма
иштирокчиларини юрти-
мизда етиштирилган пахта
ҳом ашёсига оид бар-
ча маълумотлар билан та-
ништириш ниятидамыз.

Сайёра ШОЕВА,
ЎЗА мухбири.

Қишлоқ мулкадорлари



ОЗУҚА НАҚД БЎЛСА, КЎНГИЛ ТЎҚ

Чорвачилик азалдан қишлоқ ҳўжалигининг
муҳим ва асосий тармоқларидан ҳисобланиб,
тўқимчи ҳамда фаровонлик омилли бўлиб келган.
Айниқса, ҳозирги кунда аҳолининг ҳаётий муҳим
озим-овқат мақсулотлари — гўшт, сут, туҳум каби-
лар билан узлуқсиз таъминлаш мазкур тармоқни
янада ривожлантириш тақозо этмоқда.

Мамлакатимиз раҳбари-
нинг кейинги йилларда
қабул қилинган "Шахсий
ёрдамчи, деҳқон ва фер-
мер ҳўжалиқларида чорва
моллар сонини қўлайти-
риши рағбатлантириш
чора-тадбирлари тўғриси-
да"ги ҳамда "Шахсий
ёрдамчи, деҳқон ва фер-
мер ҳўжалиқларида чорва
моллар қўлайтириши
рағбатлантириши кучай-

тириш ҳамда чорвачилик
мақсулотларини ишлаб
чиқаришни кенгайтириш
борасидаги қўшимча чора-
тадбирлар тўғрисида"ги
қарорлари бу вазифага
янада устуворлик берди.
Маълумки, чорвачилик-
даги юмушлар ҳеч қачон
эртани кутмайди. Дам
олиш, байрам кўни деган
иборалар ҳам бу тармоққа
бегона. Хуллас, асл чор-

вадор қишда ҳам, ёзда
ҳам тиним билмай меҳнат
қилиши талаб этилади.
Қўқламдаги тинимсиз
ёғингарчиликлар пахта-
корлар ва галлакорларни
беҳаловат қилган бўлса,
чорвадорлар учун айни
муддо бўлди, десак ан-
глишмаймиз. Чунки қишга
ғамланадиган озуқа ҳар
йилгидан икки баровар
қўлайди.

— Бу йил ҳақиқий чорва
йили бўлди, — дейди Тош-
кент туманидаги "Роҳатой"
чорвачилик фермер ҳўжа-
лиги раҳбари Жўрабой
Маҳаматов вилояти-
мизнинг кўзга қўрин-
ган чорвадорларидан.
Даврон АҲМАД
олган сурат.

100 тонна дағал хашак, 80
тонна беда пичан жамгар-
дик. Ҳўжалигимиз учун аж-
ратилган далаларда озуқа
учун экилган лавлагимиз
ҳам етилиб қолди. Шунинг
ийгирилиб олсак, яна 250
тонна қўшимча озуқа бўла-
ди.

Шунингдек, ҳўжалик 60
тонна комбикорм олиш
учун шартнома тузган.

СУРАТДА: "Роҳатой"
фермер ҳўжалиги
раҳбари Жўрабой
Маҳаматов вилояти-
мизнинг кўзга қўрин-
ган чорвадорларидан.
Даврон АҲМАД
олган сурат.

Қарор ва ижро

БАҒРИКЕНГЛИК ТАМОЙИЛИ — АМАЛДА

Халқимизга хос бағрикенглик ва кечирим-
лилиқ тамойиллари миллий қонунчилигимиз-
да, амалда ўз ифодасини топаётгани инсон ман-
фатларини таъминлашга хизмат қилмоқда.

Давлатимиз раҳбари
Исроф Каримов тақдимо-
масига асосан шу йил
28 августда Ўзбекистон
Республикаси Олий Мах-
лиси Сенатининг "Ўзе-
бекистон Республикаси му-
стақиллиги эълон қилин-
ганлигининг ўн саккиз
йиллиги муносабати би-
лан амнистия тўғрисида"
ги қарорининг қабул
қилингани бунинг яна
бир тасдиғидир. Шу кун-
ларда мазкур қарор иж-
росини изчил таъминлаш
мақсадида мутасадди дав-
лат ва нодавлат ташкилот-
лари ўзаро ҳамкорликда
зарур ташкилий-ҳуқуқий
тадбирларни амалга
оширмоқда. Жумладан,
жазони ижро этиш жой-
ларидан қайтиши қўйла-
ётган шахсларнинг жам-
иятга мослашиши, хусусан
уларни иш билан таъмин-
лаш, ёлғиз ва ёрдамга
муҳтожларга тегишли
ёрдам кўрсатиш, вояга
етмаганларни ўз ота-она-
лари ёки васийлик орган-
ларининг назоратига топ-
шириш, соғлигини тикла-
ши учун зарур шароит
яратиш юзасидан тегиш-
ли чора-тадбирлар бел-
гиланди.

Тошкент вилоятининг
Занғиота туманида жой-
лашган аёллар колония-
сида мазкур қарорнинг
ижросини таъминлашга
бағишланган навбатдаги
тадбир бўлиб ўтди. Унда
ҳуқуқни муҳофаза қилиш
органлари ходимлари ва
оммавий ахборот восита-
лари вакиллари иштирок
эти.

— Амнистия тўғрисида-
ги мазкур қарор айбига
икдор бўлиб, қилмиши-
дан афсус-наҳотлик чека-
ётган маҳбۇсларнинг ўз
оиласи бағрига қайтиши

учун кенг йўл очди, —
дейди Жиноят ишлари
бўйича Занғиота тумани
суди судьяси Дилшод
Изатов. — Бундай бағри-
кенглик ва кечиримлилиқ
билиб-билмай жиноят
қўчасига кириб қолган-
ларни қайта тарбиялаш,
соғлом ҳаётга қайтариш-
да муҳим аҳамият қасб
этиши шубҳасиз. Амни-
стиянинг суд томонидан
қўлланилаётгани инсон
ҳуқуқларини суд орқали
самарали таъминлашни
кафолатлаш механизмининг
янада мустаҳкамлашга
хизмат қилмоқда.

Қайд этиш жоизки,
қарорда жазодан озод
этилиши кўзда тутилган-
лар орасида аёлларга ало-
ҳида эътибор қаратилган.
Билиб-билмай жиноят
қўчасига кириб қолган ва
оқибатда озодликдан маҳ-
рум қилинган аёлларнинг
кўпчилиги жазони ўташ
жараёнида хатоларини чу-
қур англаб етади. Боиси
улар учун оила ва фар-
занддан айри яшайдан
кўра оғирроқ жазо йўқ.

— Дунёда озодликдан
тоттирилор нўмат йўқ
экан, — дейди амнистия
шарофати билан жазодан
озод этилган Шаҳноза
Абдуҷабборова. — Ойланг
бағрида, қинларин бил-
лан хотиржам яшашга
нима етсин. Бунинг қамқо-
ҳонада ўтган кунларимда
чуқур англаб етдим.
Президентимизнинг мен
каби адашганларга бағри-
кенглик қўрсатиб, ай-
бимизни афв этганлари
учун озодликка чиқяпман.
Бундай инсонварларлик
учун халқимиздан, Ўрт-
бошимиздан бир умр
миннатдорим.

Норгул АБДУРАИМОВА,
ЎЗА мухбири.

ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ КЕНГАШИ СЕССИЯСИ

Ўзбекистон Республикаси Олий Махлиси,
Қорақалпоғистон Республикаси Жўқори Кен-
геси ҳамда халқ депутатлари вилоят, туман
ва шаҳар кенгашларининг конституциявий ва-
қолат мўддатлари тўғрисида 117-моддаси
иқкинчи қисмига мувофиқ, 2009 йил 29 де-
кабр кўни парламентнинг Қонунчилик пала-
тасига, вилоятлар, туманлар, шаҳарлар дав-
лат ҳокимияти вакиллик органларига сайлов
ўтказилади.

Ўзбекистон Республикаси
Марказий сайлов комиссияси
"Ўзбекистон Республикаси
Олий Махлиси Қонунчи-
лик палатасига, халқ депу-
татлари вилоят, туман ва
шаҳар кенгашларига сайлов
бўйича сайлов кампанияси
бошланишини эълон қилиш
тўғрисида" қарор қабул
қилди. Ўзбекистон Респуб-
ликаси Конституциясининг
117-моддаси, "Ўзбекистон
Республикаси Олий Махли-
сига сайлов тўғрисида"ги
Қонуннинг 19-моддаси
ҳамда "Халқ депутатлари ви-
лоят, туман ва шаҳар кен-
гашларига сайлов тўғриси-
да"ги Қонуннинг 19-модда-
сига мувофиқ 2009 йил 22
сентябрдан сайлов кампа-
нияси бошланади.

Халқ депутатлари Тош-
кент вилоят кенгашининг
сессиясида "Халқ депу-
татлари вилоят, туман ва ша-
ҳар кенгашларига сайлов
тўғрисида"ги Қонунга асо-
сан янги қақирлик халқ де-
путатлари Тошкент вилоят
кенгашига сайлов ўтказу-
ви вилоят сайлов комиссия-
сини тузиш масаласи муҳи-

кама қилинди. Юқорида
қайд этилган Қонуннинг 10-
моддасига мувофиқ вилоят
сайлов комиссияси амалда-
ги кенгаш томонидан ко-
миссиянинг раиси ва олти
ўн тўрт нафар бошқа аъзо-
лардан иборат таркибда
тузилади. Шу боис депу-
татлар комиссия аъзоллигига
тақлиф этилган номзодлар-
ни муҳоама қилиб, раис ва
14 аъздан иборат вилоят
сайлов комиссиясининг тар-
кибини тасдиқлашди.

Маълумки, мазкур
Қонунда вилоят сайлов
комиссияси ўз ваколатла-
рини тегишли халқ депу-
татлари кенгашларига сай-
лов юзасидан навбатдаги
сайлов кампанияси бош-
ланганини эълон қилин-
гунга қадар амалга оши-
риши белгилаб қўйилган.
Халқ депутатлари Тошкент
вилоят кенгашига сайлов
ўтказуви вилоят сайлов
комиссияси томонидан
сайлов кампанияси, бево-
сита вилоят кенгаши де-
путатлари сайлови,
шунингдек, Сенат сайло-
ви, бўшаб қолган ўринлар-

га бир неча сайловлар
ўтказилди.

Юқорида қайд этилган
қонунга мувофиқ сессияда
хуқудий сайлов округлари-
нинг сони ҳамда сайловчи-
лар меъёрини белгилаш
масаласи ҳам муҳоама
қилинди. "Халқ депутатла-
ри вилоят, туман ва шаҳар
кенгашларига сайлов
тўғрисида"ги Қонуннинг
7-, 10-моддаларига биноан
амалдаги кенгаш депутатла-
ри томонидан Халқ депу-
татлари вилоят кенгашига
сайлов ўтказуви сайлов ок-
руглари сони аҳолининг,
сайловчиларнинг сонини,
хуқудий ва бошқа маҳаллий
шароитларни инобатга ол-
ган ҳолда мазкур Қонунда
белгиланган меъёрлар дои-
расида 60 та, ҳар бир сай-
лов округига тўри келадиган
сайловчилар меъёри эса
27,8 минг сайловчи ҳис-
обдан белгиланди.

Сессияда шаҳар ва ту-
ман ҳокимликлари, тегиш-
ли бошқармалар ва ташки-
лотлар раҳбарларига ўз ва-
қолатлари доирасида ҳай-
лардаги округ ва участка
сайлов комиссияларига
улар самарали фаолият
юртишлари учун тегишли
талабларга биноан жойлар
ажратиш, уларни жиҳозлаш
масалаларида ҳар томон-
лама ёрдам кўрсатиш,
шунингдек, сайлов кампа-
нияси давомида ободон-
лаштириш тадбирларини
кўчайтириш юзасидан та-
сиялар берилди.

Халқ депутатлари вилоят кенгаши сессиясида тасдиқланган
Вилоят сайлов комиссиясининг биринчи йиғилиши бўлиб ўтди.
"Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар кенгашига сайлов
тўғрисида"ги Қонуннинг 10-моддасига биноан мазкур комиссия-
нинг биринчи йиғилишида раисдан ташқари 14 кишидан иборат
тасдиқланган комиссия аъзолари орасидан раис ўринбосари
ва комиссия котибини сайлаш масаласи кўриб чиқилди.

ВИЛОЯТ САЙЛОВ КОМИССИЯСИ ЙИҒИЛИШИ

Йиғилишда вилоят сайлов комис-
сияси раиси ўринбосари вазифасига
Рихсиев Раҳимжон Мирқодиорович,
комиссия котибигаги — Худдиев
Мирзақарим Мўминович сайлан-
ди. (Халқ депутатлари вилоят кенга-
шига сайлов ўтказуви вилоят комис-
сияси таркиби эълон қилинмоқда).

Йиғилишда сайлов кампанияси
давомида жойларда қонунчиликка
амал қилинишини назорат қилиш ва
тегишли ёрдам кўрсатиш мақсадида
комиссия аъзоларини туманларга
бириктириш хусусида қарор қабул
қилинди. Шунингдек, вилоят сайлов

комиссиясининг Халқ депутатлари
вилоят кенгашига бўлиб ўтадиган
сайлов жараёнида босқичма-босқич
амалга ошириладиган сайловдаги
тадбирлари режаси ҳамда халқ де-
путатлари вилоят кенгаши сайлови-
га тайёрларлик қўриш ва уни ўтқа-
зиш бўйича тадбирларнинг тақвим
режаси ижро учун қабул қилинди.

Халқ депутатлари вилоят кенга-
шига сайлов ўтказуви вилоят ко-
миссияси Тошкент шаҳри, Миробод
тумани, Амир Темиров шоҳқўчаси, 15-
уйда жойлашди. Вилоят комиссияси
телефони: 233-60-11.

ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ВИЛОЯТ КЕНГАШИГА САЙЛОВ ЎТКАЗУВЧИ ВИЛОЯТ САЙЛОВ КОМИССИЯСИНING ТАРКИБИ

Комиссия раиси
Абдушохидов Убайдулла Хикма-
тович — "Тошкент ҳақиқати" ва "Таш-
кентская правда" газеталари бош
муҳаррири

Комиссия раисининг
ўринбосари
Рихсиев Раҳимжон Мирқодиорович —
вилоят меҳнат ва аҳолини ижти-
моий муҳофаза қилиш бош бошқарма-
си бошлиғининг биринчи ўринбосари

Комиссия котиби
Худдиев Мирзақарим Мўминович —
Касаба ўшмалари вилоят таш-
килотлари бирлашмаси кенгаши
бўлим мудири

Комиссия аъзолари
Тоирбеков Камол Қизилбекович — вилоят монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорлиқни қўллаб-қувватлаш хуқудий бошқармаси бошлиғининг ўринбосари

Азаматов Азим Ойхўжаевич — вилоят халқ таълими бошқармаси бошлиғи вазифасини бажарувчи

Холмуродов Абдумажид — вилоят табиати муҳофаза қилиш қўмитаси сув ва ер манбаларини муҳофаза қилиш инспекцияси бошлиғи вазифасини бажарувчи

Йўлдошев Лазиз Шавкатович — вилоят ҳокимлиги молия бошқармаси бошлиғининг ўринбосари

Ваҳובה Гулсанам — ҳуқуқматга қарашли бўлмаган "Соғлом авлод учун" халқаро хайрия жамғармаси вилоят филиали директори

Холматов Иброҳим Исроилович — Ўзбекистон "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати вилоят кенгаши раиси

Одилов Азиз Қўчқорович — вилоят адлия бошқармаси жамоат бир-
лашмалари ва диний ташкилотларни

МАТБУОТ ГУРУҲИ ИШ БОШЛАДИ

Халқ депутатлари вилоят кенгашига сайлов ўтказуви Вилоят сайлов комиссияси матбуот гуруҳи иш бошлади.

У сайловга тайёрларлик қўриш ва уни ошқоралиқ тамойилларига риоя қилинган ҳолда юксак демократик даражада ўтказиш, оммавий ахборот воситалари ходимларига сайловга тайёрларликнинг бориши ва сайлов қандай ўтаётганини ёритиб боришлар учун шарт-шароит яратиш, ўз вақтида ахборот олиш ва тарқатишни таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Республикасининг "Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар кенгашларига сайлов тўғрисида"ги Қонунини 6-, 11-моддаларига мувофиқ ташкил этилган. Матбуот гуруҳи Тошкент шаҳри, Ҳамаза тумани, Хоразм қўчаси, 51-уйда фаолият кўрсатмоқда. У билан 233-61-75 рақамли телефон орқали боғланиш мумкин.

рўйхатдан ўтказиш бўлими етакчи мас-
лаҳатчиси

Хўжакулов Раҳмонали Абдусат-
торович — вилоят қишлоқ ва сув ҳўжа-
лиги бошқармаси бошлиғининг ўрин-
босари

Иброҳимов Ҳасан Набиевич — вилоят ўрта махсус, касб-ҳўнар таъ-
лими бошқармаси бошлиғи

Набиев Абдуҳахат Тўлаганович — вилоят ҳокимлиги иқтисодиёт бош бошқармаси бошлиғининг биринчи ўринбосари

Хайтбоева Раъно Хайруллаевна — вилоят соғлиқни сақлаш бошқарма-
си бошлиғининг оналик ва болалик-
ни муҳофаза қилиш масалалари бўйи-
ча ўринбосари

Цой Вячеслав Августович — вилоят "Toshkent-Telekom" филиали ди-
ректорининг иқтисодиёт ва молия бўйича ўринбосари

Юқоричириқ ту-
манида "Сайлов жа-
раёнида аёллар
фаолиятини ошири-
нинг асосий йўллари
ва усуллари" мавзу-
ида давра суҳбати
ташкил этилди.

АЁЛЛАР ФАОЛЛИГИНИ ОШИРИШГА ҚАРАТИЛАДИ

Ўзбекистон халқ демок-
ратик партияси туман кен-
гаши ҳамда фуқаролик жа-
миятини ўрганиш институ-
ти вилоят минтақавий ахбо-
рот-таҳлил маркази ҳамкор-
лигида ўтказилган тадбир
иштирокчилари сайлов
қонунчилигининг изчил ва
босқичма-босқич ривожла-
ниши ҳамда эркинлаштири-
лиши, унинг умумэтироф
этилган демократик меъёр
ва андозаларга тўла мос
қилиш масалалари тевара-
нда фикрлашди. Шунинг-
дек, Ўзбекистон Респу-
бликаси Олий Махлиси
ва халқ депутатлари маҳал-
ли кенгашларига бўладиган
сайловларга тайёрлар-
лик қўриш ва уни юқори
савияда ўтказиш бўйича
Марказий сайлов комиссия-
си томонидан ишлаб чиқил-
ган концепциянинг мазмун-
моҳиятини кенг жамоатчи-
ликка етказишда сиёсий
партия "Аёллар қаноти"
фаолиятини ошириш ло-
зимилиги таъкидланди.

Давра суҳбати жараёни-
да иштирокчилар ўзларини
қизиқтирган саволларга
жавоб олдилар.

Латифжон МАНСУРОВ.

ҲАМ МЕҲНАТ, ҲАМ РОҲАТ

Вилоят пахтазорларида йигим-терим суръати кун сайин юксалиб бораётди. Фермер хўжаликлари аъзолари бутун оила билан эрта тонгдан кеч қоронғусигача далада бўлиб, обдон пишиб етилган пахта ҳам ашёсини ёғин-сочинли кунларга қолдирмай, тезроқ саранжомлаб олиш учун астойдил ҳаракат қилмоқдалар.

Фермерлар, беистисно, барча терим иштирокчиларига қулай шарт-шароитлар яратиб бериш учун бор имкониятларини ишга солимоқдалар.

Бу йилги мавсумда йигим-терим иштирокчиларини ҳам моддий, ҳам маънавий рағбатлантиришга алоҳида эътибор қаратилаётди. Аввало, кунлик терилган пахта учун эртаси тушлик пайтида нақд пул тўлаб берилмоқда. Юзлаб ҳомий ташиқотлар ташаббус кўрсатиб, илгир теримчилар учун

қимматбаҳо совғалар ажратмоқда.

Таъкидлаш жоизки, виллоят ҳокимлиги ва мутасадди ташиқотлар терим иштирокчиларининг кўтаринки кайфиятда ишлашларини таъминлаш мақсадида турли маданий тадбирлар уюштирмоқда. Масалан, Ўртағирчиқ тумани фермер хўжалиқларидаги терим иштирокчиларининг танқилий санъаткор ва шоирлар билан ўрашуви жуда мазорли ўтди. Махшур артист, Ўзбекистон Қаҳрамони

Зиқир Муҳаммаджонов, халқ артистлари Рихси Иброҳимова, Лутфулла Саъдуллаев, Марям Иштированинг сўхбатларини теримчилар мириқиб тинглади. Халқ шоири Махмуд Тоирнинг Ватан, она замин ва инсонни улуғловчи гўзал шеърлари теримчиларнинг руҳини кўтарди. Улар республикада хизмат кўрсатган артист Тошпўлат Маткаримов ва умидли ёш хонанда, "Нихол" мукофоти соҳибдори Миржод Миркомиллов ижросидаги дилрабо қўшиқларини завқ билан тинглаб, мароқли хордиқ чиқаришди.

Эл севган санъаткор, ёзувчи ва шоирлар билан шундай мароқли ўрашувлар Бўка, Қўйчиқчиқ, Оққўрғон, Юқоричиқчиқ, Бекобод, Чиноз, Пискент ва Янгийул туманларида ҳам бўлиб ўтди.



Инсоният тарихи урушлар, турли офатларнинг таҳлика-ли таҳдидларини кениб ўтиб тараққийнинг глобаллашуви даврида янада юксак чўққиларда турибди. Бир нарса аён, башарият ўз ўтмишида неки талафот қўрган ёки ривожланиш, тамаддун доволаридан ошган бўлса, бу барча воқеаларда инсоният турли қатламларининг ҳо-ҳиш-иродаси, мақсади, манфаати намён бўлиб келган.

Дунё глобаллашуви кенг қамровли имкониятлари, замонавий ахборот комму-никация технологиялари кўп-қўлдан қўйилганлиги бўлгани-ни, дунё бўйлаб тарқалишига ҳам восита бўлиб қўлаётган-лиги ҳеч кимга сир эмас. Айниқса, жаҳон ҳамжамияти-ни жиддий ташвишлантираёт-ган трансмиллий жиноятлар глобал муаммо сифатида ҳамон дунё халқларининг тинч-осойишта ҳаёт кечир-ишига ҳаф солиб турибди.

Хусусан, трансмиллий жин-юятлар сарисига кирувчи одам савдосининг турли қўрилишларида дунёдаги барча мамлакатлар қайси-бир даражада жабр кўратяпти. Бу эса ушбу глобал муаммо-ни имкон қадар ҳал этиш, одам савдосига қарши кура-шишда халқаро миқёсда та-сир чораларини қўйириши-ни тақозо этмоқда. Содароқ айтганда, сайёрамизнинг қай нукталарида пайдо бўлиб, эндиликда газак олган бу ил-лат инсониятнинг оғрикли муаммосига айланди. Шу са-бабли, ҳар бир давлат бу хавфдан ҳимояланишнинг қатъий чораларини қўриши, шу йўналишдаги халқаро ҳуқуқий ҳужжатлар, конвен-цияларга қўйилиши ҳам ҳаётий, ҳам ижтимоий-сиё-сий зарурат даражасига кўта-рилди.

Ер юзиде кенг тус олиб улғурган бундай халқаро хавфга қарши ҳамкорликда курашиш мақсадида Бирлаш-ган Миллатлар Ташкилоти то-монидан бир қатор халқаро ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қи-линган. Шунинг таъкидлаш-гоизки, миллий қўнунчилиги-мизнинг одам савдосига қарши курашиши ва унинг олдини олишига оид меъёр-лари умумэтироф этилган халқаро ҳужжатларга мос кела-ди. Бу аввало, муастақил мамлакатларнинг бош қому-сида "Демократия умуминсо-ний принциплари асослана-ди, уларга қўра инсон, унинг ҳаёти, эркинлиги, шаъни, қадр-қиммати ва бошқа дўл-сиз ҳуқуқлари олий қадрият ҳисобланади" деб қатъий му-стақамланганлигиде ёрқин акс этади. Конституциямизга му-вофиқ: "Ҳеч ким қийноққа со-линмиш, зуравонликка, шаф-қатсиз ёки инсон қадр-қим-матини қамситишга бошқа тарздаги таъқиққа дучор эти-лиши мумкин эмас".

Истиқлол шарофати ту-файли юртмиздаги ҳар бир инсон ўз қадр-қимматиға му-носиб тарзда овоз ва эркин яшаш, меҳнат қилиш, ўз ме-хнати натижаларидан манфа-аддор бўлиш, барча ҳуқуқ ва эркинликларидан дахлсиз равишда фойдаланиш имко-ниятига эга бўлди.

Мамлакатимизда транс-миллий жиноятлар, жумла-дан, одам савдосига қарши курашиш ва унинг олдини олиш юзасидан қўлаётган кенг қўламли, чора-тадбир-лар, яратилган ҳуқуқий асо-сларда ҳам ана шу муастаҳм таъминланганлиги алоҳида қайд эт-моқчимиз.

Энг муҳими, бу йўналиш-да ҳаётга илчил таътиб эти-лаётган қўнуний ҳужжатлар, бир қатор дастур ва режа-ларга назар ташлаб, ҳуқуқа-тимиз мамлакатимизда исти-қомат қилаётган бирор ин-

сон бу муҳдиш жиноятнинг қўрбонига айланиб қолмас-лиги учун жуда қатъий ва жиддий чоралар қўраётган-лиги, барча сай-ҳаракатлар комплекс равишда амалга оширилаётганини чуқур ан-галяимиз. Бинобарин, бу сай-ҳаракатларга нафақат ҳуқуқий муҳофаза қилувчи идоралар, балки барча турдаги ташки-лот ва муассасалар, кенг жа-моатчилик жалб этилган. Зеро, ҳар қандай жиний иллатга қарши курашиш ҳар бир инсонда ўз тақдири ва ҳаётига бефарқ бўлмаслик, бу масалалар доимо ҳушёр ва огоҳ бўлиш ҳиссини қўнай-тиришдан бошланади, десак янглишмаймиз.

Муастақил мамлакатимиз фуқароларининг, тинч-осо-йишта ҳаёти, уларнинг бар-ча ҳуқуқ ва эркинликлари дахлсизлигини таъминлаш энг муҳим устувор вазифа-ларимиздан саналади, албат-та. Мухтарам Президентимиз таъбири билан айтганда, биз-нинг энг асосий бойлигимиз

марказ, "Махалла" жағмарма-си, "Қамолот" ёшлар ийти-моий ҳаракати, "Ижтимоий фикр" жамоатчилик маркази олдиға қўйилган аниқ вази-фалар ижроси илчил таъмин-ланмоқда. Республика идо-ралараро комиссия таркиби-да Адлия вазирлиги зимма-сига ҳам шу йўналишда кенг қўламли тарғибот ишларини самарали тарзда амалга оши-риш масъулияти юклатилган.

Хусусан, адлия органлари ва муассасалари ҳодимлари томонидан Ўзбекистон Рес-публикаси Президентининг "Одам савдосига қарши ку-рашиш самарадорлигини оши-риш чора-тадбирлари тўғрисида" қи Қарори ҳамда бошқа норматив-ҳуқуқий ҳуж-жатлар мазмун-моҳиятини тарғи-бот қилиш бўйича 2009 йилға мўлажалланган ҳуқуқий тарғибот тадбирлари режаси" асосида қилинаётган бир қатор амалий ишлар ҳақида сўзлаб, таҳлилий мулоҳаза-лар юритиш мумкин.

Кези келганда, дунё микё-

ли мухлисларга эга бўлган газета ва журналлардаги қўлаб чиқишлар аҳолини бефарқ қолдирмаётти, деб ўйлаймиз. Бу аҳолининг му-лоҳазалари ҳамда фуқаролар қилаётган муносабатлар ҳам ўз ифодасини топаётти. Ома-вий ахборот воситаларидаги қиқишларда фуқароларни оғоҳликка ундаб, турли мақ-садларда ноконуний йўллар билан хорижға қиқишнинг салбий оқибатлари мутахас-сисларимиз томонидан ат-рофлича, қўлаб ҳаётий ми-соллар, жиддий таҳлиллар асосида тўшунтириб бери-лмоқда. Одам савдосидан жабрланган шахсларнинг ҳар бир муносабатини алоҳида на-зоратда олиш, ушбу муноса-батлари қўриб қиқишда ички ишлар идоралари билан ҳам-корликчи йўлга қўйиш бора-сида ФХД, нотариат, адво-катлар органлариға тегишли вазифалар юклатилган.

Ҳудудий адлия идоралари томонидан ишлаш, довола-ниш, дам олиш ва бошқа

ОДАМ САВДОСИГА ҚАРШИ КУРАШИШ

нафақат ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар, балки барча ташиқлот ва муассасалар, кенг жамоатчилик, ҳар бир фуқаро олдидаги муҳим вазифалардан биридир

халқимиз эканлигини на-зарда тутасак, бу устувор ва-зифамизнинг теран моҳияти, мазмун янада ойдинлаша-ди. Қолаверса, ҳар бир юр-тошимизнинг бундай таҳли-калий таҳдидлардан ҳоли яшаш жамаиятимизнинг асо-сий бўғини бўлган оилалар-да тинчлик-хотиржаилик, бағри бўғинли ҳўм суриси билан боғлиқлигини эъти-бордан қолдириб бўлмайди.

2008 йил 17 апрелда қабул қилинган "Одам сав-досига қарши курашиш тўғрисида" ги Қўнунға муво-фиқ, одам савдоси жиноти билан шўғулланувчи шахслар жавабгарлигининг муқарра-ри, одам савдосидан жабр-ланганларнинг қамситилиши-ға йўл қўймайлик, ижтимоий ҳамкорлик одам савдосига қарши курашишнинг асосий принциплари сифатида бел-гиланиш беҳиз эмас. Маз-кур қўнунға биноан давлат бошқаруви ва маҳаллий дав-лат ҳокимияти органлари, фу-қароларнинг ўзини ўзи бош-қаруш органлари, нодавлат нотижорат ташиқотлар, кор-хоналар, муассасалар, ман-сабдор шахслар, шўнунгдек, фуқаролар ҳам одам савдо-сига қарши курашиш бўйича фаолиятини амалга оширувчи давлат органлариға қўлаш-иш ҳамда зарур ёрдам қўрсатишлари лозим.

Юртимиз фуқароларини бу турдаги жиноятнинг му-ҳдиш оқибатларидан асраш, ҳимоялаш ушбу жиний хат-ти-ҳаракатдан жабр қўрган-ларға амалий ёрдам қўрсати-лишиға доир чора-тадбир-ларнинг ҳуқуқий базаси яра-тилиш билан бир қаторда маҳмууви йўналишлар ҳам белгилан олган.

Президентимизнинг 2008 йил 8 июлдаги "Одам савдо-сига қарши курашиш самар-адорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида" ги Қарориға асосан тузилган Одам савдосига қарши кура-шиш бўйича Республика идо-ралараро комиссияси белги-ланган Низом асосида бу борада кенг фаолият юри-тмоқда. Мазкур Республика идоралараро комиссиясининг 2009 йилнинг 2-ярмида амалга оширилиш қида ту-тилган тарғибот тадбирлари-ға оид режаси айни пайтда ижроға йўналтирилган. Унга қўра тегишли вазирлиқлар ҳамда Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича ва-ли (Омбудсман), Ўзбеки-стон Республикаси Миллий ҳавфсизлик хизмати, Хотин-қизлар қўмитаси, Инсон ҳуқуқлари бўйича миллий

сида олиб қараганда одам савдоси жинотидадан айниқ-са, аёллар ва болалар кўпроқ жабр қўраётганиға эътибор қаратиш жоиз. Шу боис тар-ғибот ишларимизда аҳоли-нинг барча қатламларини жалб этиш, хотин-қизлар ва ёшларнинг маънавияти, онг-тафаккурда турли қарашлар-ни муастақлаш, болалар ва ўсмирларға жинотиқиларға алданиб қолмаслиқи содда, тушунарли ва ишончли тар-зда тушунтиришға жиддий ёндашилишти. Албатта, жой-ларда тарғиботнинг самара-ли ва таъсирчан ушбуларда ўтказилишчи таъминлашдек зарур талаблардан келиб чиқиб иш олиб берилмоқда. Шу мақсадда тадбирлар жа-раёндаида мазгува оид видео-тасмалар, кўргазмалар воси-талардан кенг фойдаланил-моқда, одам савдоси, унинг салбий оқибатларини акс эт-тирувчи плакат ва буклетлар тайёрланиб, жойларда тар-қатилляпти.

Президентимизнинг "Одам савдосига қарши ку-рашиш самарадорлигини оши-риш чора-тадбирлари тўғрисида" ги Қарори билан тасдиқланган 2008-2010 йил-ларда одам савдосига қарши курашиш самарадорлигини ошириш бўйича Миллий тад-бирлар режасининг тегишли бўлимиларига мувофиқ амал-ға оширилган бир қатор иш-лар самарали бўлмоқда. Жумладан, мамлакатимиз фуқароларининг чет элга иш-лаш, даволаниш, дам олиш ва бошқа мақсадларда қиқиш юзасидан маслаҳат ва ҳуқуқий ёрдам беришға йўналтирилган ҳуқуқий тар-ғибот тадбирлари мунтазам равишда ташиқил этилмоқда.

Айни йўналишдаги ҳуқуқий тарғибот тадбирлари ра-қамларда ифода қилинган бўлсак, 2009 йилнинг январь-июль ойлари давомида адлия органлари ва муассасалари томонидан одам савдосига қарши курашиш ва унинг оқибатларини кенг халқ оммаси орасида тушунтириш юзасидан ҳам 2285 марта-та ба тарғибот тадбирлари ўтқа-зилган. Ушбу тадбирларда одам савдосининг трансмиллий жиноятларнинг бошқа турлари билан боғлиқ жихат-лари ҳам назардан четда қол-маётти. Шу ўринда тарғибот-нинг энг таъсирчан воситаси бўлган марказий ва маҳаллий ОАВ имкониятларидан унум-ли фойдаланиш муҳим аҳа-ми-ят қасб этаётганини эъти-роф этиш жоиз. Миллионлаб томошабинларни мамлаган телевидение, радио, қўн сон-

мақсадларда чет мамлакат-ларға кетаётган Ўзбекистон Республикаси фуқароларига ёзма ёки оғзаки ҳуқуқий ту-шунтириш ва ёрдам қўр-сатишда Ўзбекистон Респу-бликаси Ички ишлар, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиқлари, Хотин-қизлар қўмитаси, "Ўзбек-ризм" Миллий компанияси-нинг ҳудудий идоралари ҳамда нодавлат нотижорат ташиқотлар билан ҳамкор-лик чора-тадбирлари режаси амалғиға йўналтирилган.

Тошкент Давлат юридик институти, Тошкент юридик коллежи, ТДЮИ қошидаги академик лицейда талабалар ва ўқувчилар учун мазгува оид махсус ўқув машғулот-лари жорий этилганлиги ўсмир-ёшларнинг ушбу жин-юят ҳақида атрофлича маъ-лумотта эга бўлишлари, унинг мазмун, ҳуқуқий оқибатларини англаб ети-шларида катта ёрдам берляпти.

"Одам савдосига қарши курашиш" давр талаби, "Инсон озодлиги" олий қад-рлати, "Одам савдоси" - мил-латға хиёнатидир", "Биз ёшлар одам савдосига қар-шимиз" каби қўлаб мазгу-вада юртимизнинг шахар ва туманлари, маҳаллаларда, ўқув муассасаларида ташиқил этилган семинар ҳамда да-вра сўхбатлари қўзғин мило-қот, фойдала фикр алмушу-лар, савол-жавоблар тарзи-да ўтаётганлиги, бундай тад-бирларни янада кенгроқ ва кўпроқ амалға оширишға ун-дайд. Одамлар билан юма-юз, жонли мулоқотда бўли-шнинг ўзига холиғи ҳам шун-да. Бундай тарғибот тадбир-лариға ёшларни жалб этиш алоҳида назарда тутилган.

Асарият ҳолларда бир эмас, бир неча давлатлар доира-сида жиний гуруҳлар томо-нидан содир этилаётган одам савдоси жиноятининг юрти-мизда чўқур илдиш отишига йўл қўймайлик, келажакимиз эгаси бўлган фарзандларимизни чегара билмас бу ил-лат домига тушиб қолшдан асрашимиз шарт. Бунин-да идоралари ва муассас-алари ҳодимлари чўқур ан-глаб, ҳар бир тадбирнинг қи-лиш натижаларини бериши-ни таъминлаш устида жид-дий ўйлаб, масалға ана шу масъулият хисси билан ёндашмоқдалар.

Таассуфки, халқаро уш-ган жиний гуруҳларнинг яширин иктисоди таромал-данбағиға айланиб, миллион-миллион болалар, айниқса, ёш хотин-қизлар ҳаётиға, со-ғлиғи, қадр-қимматиға зомин

булаётган бу муҳдиш жиноят қўрилишлари Ўзбекистонни ҳам четлаб ўтмаяпти. Унинг ҳар қандай қўрилиши ҳеч бир фуқаромизнинг эртанги тақ-дирига, дахлсиз ҳуқуқлари, тинч ҳаётиға жиддий таҳдид солиши, бу иллатнинг тиз-гинсиз тарқалишиға асло йўл қўйиб бўлмайди.

Ҳаётий таҳлиллар шунини кўрсатадики, бу чиркин жин-юят билан шўғулланувчи кимсалар айрим ёшларни шохона қўлайликлар, мўмай пул топишнинг чексиз имко-ниятлари ҳақида қуруқ ва ёлгон ваъдалар бериб, ал-даб, ноконуний йўллар билан хорижий давлатларға олиб қиқиш кетиш орқали уларни ўз қабҳ жиноятлари қўрбонига айлантирадilar. Хатто, ўз юртдошлари, қариндошларини ҳам бу қабҳлик домига илтириш-дан тоймайдиганлар ҳам бор-лиғи ҳар бир инсонни ҳушёр тортирмоғи шарт.

Ёшлар эртанги қўнимиз эгалари, бизнинг келгуси бах-ту иқболимиздир. Мухтарам Юртбошимиз "Юксак маъна-вият - энгилмас куч" асари-да таъкидлаганидек, "Бугун-ги кунда бизнинг қилаётган барча ишларимиз фарзанд-ларимизнинг бахту саодати, уларнинг ёруғ келажиги учун амалға оширилмоқда. Лекин бахту саодат фақат бойлик, моль мулк билан белгилан-майди. Одобли, билимдон ва ақлли, меҳнатсевар, имон-этиқодли фарзанд нафақат ота-онанинг, балки бутун жа-миятнинг энг катта бойлиғи-дир".

Яна шунини айтиш жоизки, мутахассисларимиз тарғибот тадбирларида "Одам савдо-сига қарши курашиш" тўри-сида ги Ўзбекистон Респу-бликаси Қўнун қабул қилин-ганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикаси-нинг Жинюят кодексига ўзгартиш ва қўшимча кири-тиш ҳақида ги Қўнунда бел-гиланган меъёрларни тушун-тириш ҳам жиддий назарда тутилган. Жумладан, одам савдоси, ёнчи одамни олиш-сотиш ёхуд одамни ундан фойдаланиш мақсадида ёллаш, ташитиш, топшириш, яшириш ёки қабул қилиш ва бошқа шу каби қилмишлар-нинг ҳуқуқий оқибатларини тушунтириб, бундай ҳолат-лар жиний жавобгарликка сабаб бўлиши ҳақида батаф-сил маълумот бермоқдалар. Бинобарин, ўзлари танима-ган жинюятчи кимсаларға ҳе-лий бойлик илтинда эр-ғашиб, боши берк қўчаға кириб қолганлар улар томо-нидан мажбурий меҳнат ёки бошқа хизматлар, фахш би-лан шўғулланмишға, эрқисиз ҳолатда, тутқилишда яшаш-ға мажбур этиляпти. Инсон аъзолари ёки тўқималарини ажратиб олишдек муҳдиш қабҳликларға дучор қилина-япти. Инсонийлик қиёфаси-ни буткул йўқотган, бу му-ҳдишликларни содир этаётган-лар баъзан ўз юртдошлари-миз бўлиб қиқаётганлиги хи-юятда таассуфланарли хол-дир.

Инсон яралибдики, ҳур-лик, озодликка, ўз ҳаётини яхшилаш, оруз-мақсадлариға эришишға интилади, бах-ту иқболни аввало ўз эрки, ҳуқуқ ва манфаатларининг муастаҳм ҳимоясида қўри-ди. Озодлик истаги нафақат ин-сон, балки табиатдаги ҳар бир мавжудотта тааллуқли бўлса ажаб эмаски, оддий гўёнинг нурға қараб тали-нишида бунинг ифодасини қўргандек бўламиз. Инсон эса она замин гўлтоғи, унинг гуллаб-яшнаши, ер юзида ўз ҳаётининг давомийлиғиға масъулдир.

У ўз тарихида қўрган ва бошидан кечирган қулик ту-шунчасининг ҳозирда бош-қароқ қўрилишлари таҳди-ди, ҳавфсини сезиб, англаб турибди, бу жинюятдан жабр қўраётти. Жаҳон жамоатчи-лиги асримизнинг одам сав-доси аталмиш глобал муам-моси қаршисида инсоният ақл-заковати, тароий тафак-кур, умуммиллий ҳамда миллий қадриятларини қал-қон қилиб, бу муҳдиш жин-юятча чек қўйиш учун жиддий курашмоқда.

Муастақил мамлакатимиз фуқароларини одам савдо-си ва унинг салбий оқибат-ларидан асраш олий қадри-ят саналими инсон ҳуқуқ ва эркинликлари дахлсизлиғи-ни таъминлашға хизмат қилади.

Равшан МУХИТДИНОВ,
Ўзбекистон Республикаси
Адлия вазир.

ТАЛАБГОР, ЭНДИ ВАЪДАНГИЗДА ТУРИНГ!

Вилоят ҳокимлигида Ангрн шахридаги 2009 йилги манзилли дастурға киритилган 12-умум-таълим мактабининг жорий таъмирлаш бўйича қайта тендер ўтказилди. Савол туғлади: Қизик, нега бу мактаб уч ой ёғи таътилда таъмирланмади? Нима учун энди ўқиш бошланганда ташкилотчилар ҳаракатта тушиб қолмишди? Энди ҳам таълим, ҳам таъмир жараёнлари бир маромда боришиға ким қаролат беради? Мактаб таъмирланаётганда ўқувчилар сарсон-саргардон бўлиб қолмасмикан?

Тендер савдолари жа-раёнида маълум бўлдики, виллоят ҳокимлиги ҳузури-даги "Ягона буюртмачи хиз-мати" инжиниринг компа-нияси ҳамда "Тошқонсал-тингстройторг" давлат кор-хонаси арзимас рақибларни-ни рўқач қилиб, тендер савдоларини вақтида ўтқа-змаган. Баҳолашқи, бу мак-таб янги ўқув йили бошлан-гунча тўла тўлирдан чиқари-лиши керак эди.

Хуллас, нима бўлганда ҳам тендер савдолари тақ-рор бўлсада ўтказилди. "Анхана"ға қўра бу гал ҳам тендер бир соат кеч бош-ланди. Қизик, тендерни қачон ўз вақтида бошлаб, муддатда туғатиш одатға айлар экан? Ёки комис-сия аъзоларининг бўш вақт-лари шўнқалиқ қўлим?

"Ягона буюртмачи хиз-мати" инжиниринг компа-нияси буюртмачи сифатида бу объектнинг таъмири учун қўшимча солиқ қийма-ти билан 79 миллион 586 минг 200 сўм, қўшимча солиқ қийматисиз 68 миллион 321 минг 833 сўм аж-ратиб талабини қўйган эди. Таъмир муддати эса 30 кун қилиб белгиланган. Тўғриси, бу гал голибни аниқлаш осон кечмади. Чўнки номзодларнинг бари кўп йиллик иш тажриба-сига эга, салоҳиятли таш-килотлар эди. Тендерда "Космополис", "Олий меъ-мор қўрилиш", масъулият чекланган жамаиятлари, "Ба-дан қўрилиш" ҳуусий кор-хонаси ҳамда "Агро" ишлаб қиқариш кичик қорхонаси қатнашди.

Биринчи турда қорхона-ларнинг малакавий имко-ниятлари қўриб чиқилди. Бунда "Олий меъмор қўри-лиш" қорхонасининг банк қаролатномаси ҳужжати йўқлиғи сабабли кейинги турға ўта олмади.

Тендер савдолари хо-лисона ўтиши учун талаб-горларнинг ҳужжатларини сиқчиқлаб қўриб чиқилмиз, - деди комиссия аъзоси, виллоят иктисодиёт бошқар-маси етакчи мутахассиси Одил Ўсаров. - Уларнинг малакавий, техникавий ва иш ҳажмлари қўрсатилган ҳужжатларида бирон раҳам шўбха ўйотса, унинг асли-да қандай эканлигини аниқлаймиз. Чўнки битта нотўғри қўрсатилган раҳам ҳам қўрилиш жараёниға салбий таъсир қилиши мумкин.

Кейинги турда учта та-лабгорнинг иш ҳажмлари таилос савдоларида қўрса-тилган 50 балға солишти-рилди. Бу ерда қизик ҳолат қўзға ташланди. "Агро" қорхонасининг ҳужжатлари нотўғри расмийлаштирил-ган экан. Ҳужжатларнинг бир жойида мактабин таъ-мирлаш 93 миллион сўм, бир жойда эса 62 миллион сўмға бажарилиши қўрса-тилган. Ажабго, тендерда масъулиятсизлик бўлади-ми?! Қорхона раҳбари Ис-лоҳ Тўхтаровнинг айтиш-ча, бу ҳужжатларни унинг ёрдамчиси тайёрлаган, қўл қўйганда эътибор берма-ган эмиш. Нуфузли қури-лиш ташкили раҳбарининг гали кишини ажаблан-тирди. Раҳбар жиддий ҳуж-жатларни яхши қўздан ке-чирмай, имзо чеккан бўлса, унинг ҳодимларидан нима-ни куттиш мумкин? Энди улар қўриб ёки таъмирлаб бераётган объектларнинг сифатини тасаввур қилиб қўраверинг...

Тендерда... "Бадан қўри-лиш" қорхонаси фаолияти-да муаммолар борлиғи қўзға қўрилиб қолди. Маъ-лум бўлишича, қиндиқанга бу қорхона жамоаси Ан-грндаги 73-махсус интер-натни таъмирлаб, топши-рибди. Лекин буюртмачи таъмир сифатидан норози экан. Киме ва физика хо-налари таъмирланмай қилиб кетган эмиш.

Бошида бу икки хона-ни таъмирлаш смета ҳуж-жатларида қўрсатилмаган эди, - деди қорхона раҳ-бари Валентин Ким. - Мен бу ҳақда оғоҳлантирганман. Энди бўлса, таъмирлаш жараёни туғатганидан кейин асосан талаб қилишляпти.

Иккинчи турдан эса, ай-нан мана шу "Бадан қўри-лиш" ҳамда "Космополис" қорхоналари ўтди. Комис-сия аъзолари улардан би-рини қилиб деб эълон қилишда қўйналган, голиб-ни аниқлаш овозға қўйил-ди. Хуллас, қўн овоз билан "Бадан қўрилиш" ҳуусий қорхонаси голиб бўлди. Бу қорхона белгиланган ишни 62 миллион 450 минг 139 сўмға бажариб, объектни 1 ноябрдан топширишға ваъда берди. Энди бу ёнға ваъданинг қандай бажари-лишини вақт қўрсатади.

Хуришда НАЗАРОВА,
"Тошкент ҳақиқати"
муҳбири.

ПАРВАРИШ МАСЪУЛИЯТИ

Тугруқдан кейинги бола парваришиға оид стандартға кишлоқ врач-лик пунктларида қатъий амал қилинмоқда.

"Аёллар ва болалар со-лиғини муастаҳмлаш" ло-йиҳаси доирасида бундай тиббий жараён Зангиота туманидаги "Зангиота" кишлоқ врачлик пунктида яхши самара бермоқда. 13 мингдан ортқ аҳолиға хиз-мат қўрсатиб келаётган бу шифохонада кишлоқ хона-донларида истиқомат қилаётган она ва бола са-ломатлиғи ҳақидаги маълум-отлар қайд этилиб, умумий амалиёт шифокорлари масъулияти қўнайтирилди.

Ойлада соғлом турмуш тарзини шакллантиришға бағишланган давра сўхбат-лари ҳам йўлга қўйилди.

«САЙЁРА» ИНТЕРНЕТ-МАРАФОНИ

Бу сафарги "Сайёра" интернет-марафониде ўндан ортқк ёш дастур-чилар аниқланди.

Мутахассис маспахат беради

ВАСИЯТНОМА НИМА, ҲАДЯ-ЧИ?

Эрта саҳарлаб Асқар бобонинг хонадонидан яна жанжал. Бир пайтлар бу оилга ҳамма ҳавас қиларди, улардан ибрат олишарди. Асқар бобо вафот этди-ю, фарзандлари аиниди-қўйди. Меҳр ва оқибат каби фазилатларни унутган опак мол-мулкни бўлишолмай овора. Қишлоқ аҳли баъзида: "Тоттеракнинг ҳурмат-этиборли оиласига кўз тегди", деб куюнишади. Ука "мен кенжа фарзандман, уй-жой, машина, барча мерос менга васият қилинган" деб даъво қилса, опаси, "отам бу уйни менга ҳада қилганлар", дейди. Аввало, васиятнома ва ҳада қонуний расмийлаштирилганми, йўқми, бу билан ҳеч ким қизиқмайди ҳам.

Афсуски, бундай дилни хира қилувчи ҳолатлар баъзан учраб турибди. Қизик, васиятнома нима-ю, ҳада нима? Биз бу масала билан қизиқиш кўрдик.

Аслини олганда, васиятнома ҳам, ҳада шартномаси ҳам қонун талабларига асосан расмийлаштирилган бўлса, у қонуний қучга эга бўлади, — дейди Янгийул шахридаги хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариус Зулфия Османова. — Уларнинг фарқи шундаки, васиятнома бўйича қолдирилган мулк васият қилинган шахсга васият қилувчининг вафотидан сўнг ўтади. Ҳада шартномаси эса, ҳада қилинадиган мол-мулк тарафлар томонидан шартнома имзоланган кундан бошлаб қучга қиради.

Васият бўйича меросхўр қачон эгалик ҳуқуқига эга бўлади?

Васият қилувчи вафот этган кундан олти ой ўтгандан кейин нотариус томонидан меросга бўлган ҳуқуқ тўғрисида гувоҳнома берилади. Бу гувоҳнома давлат рўйхатидан ўтказилганда сўнгги меросхўрнинг эгалик ҳуқуқи қучга қиради. Ҳада шартномаси ҳам нотариус томонидан тасдиқланган, давлат рўйхатидан ўтказилган бўлса, ҳада олувчи мулкка эгалик қилиш ҳуқуқига эришади. Шунинг билан керакки, васиятнома берган шахс то вафот этгунча қадар ўз мулкнинг ҳақиқий эгаси ҳисобланади ва уни истган вақтида тўлиғича бекор қилиши, ўзгартириши ёки тўлдириши мумкин. Аммо, ҳада шартномаси имзолангандан сўнг шу заҳоти мулк иккинчи тараф эгалигига ўтиб кетади. Агар тарафлар ўртасида низо чиқса, мулкни факат суд орқали қайтариб олиш мумкин.

Ақсарият ҳолларда фуқаролар васиятнома ва ҳада шартномасини тасдиқлаш учун қандай ҳужжатлар тақдим қилиниши, нотариус томонидан қанча миқдорда давлат божни ундирилиши ҳақида қизиқмиз.

Васиятномаларни тас-

диқлашда тўланадиган сумма давлат томонидан белгилаб қўйилган энг кам ойлик иш ҳақининг 5 фоизи миқдорда ундирилади. Шунингдек, васиятномани тасдиқлашда нотариус ҳузурига факатгина васият қилувчининг ўзи шахсини тасдиқловчи ҳужжати билан келиши шарт. Ҳада шартномасини тасдиқлашда эса, иккала томон, яъни ҳада қилувчи ва ҳада олувчи қатнашишлари лозим. Қолаверса, ҳада қилувчи иморатнинг лойиҳавий режасини, кадастр бўлимининг, турар-жойидан, сув, газ, электр-энергия, телефон ва бошқа коммунал тўловлардан қарзи йўқлиги тўғрисида алоҳида маълумотлар тақдим қилиши зарур. Ҳада қилувчининг эр ёки хотини нотариусга келиб, ҳада шартномаси тузишга розилик билдириб, аризага имзо қўяди. Агар келишга имкони бўлмаса, унинг нотариус томонидан тасдиқланган аризаси тақдим этилади.

Мурожаат этувчиларга мутахассис сифатида маслаҳатингиз.

Тарафлар ўртасида нисолариди сабаб бўлиб, низо чиққанда, қўлингиз, фуқаролар "мен қаерга борганимни, нимага қўл қўйганимни билмайдман, ариза ёки шартнома матнини ўқимаганман" сингари тўшунмовчиликлар юз бермаслиги учун нотариал идорасига келганда мақсаддизни аниқ билишингиз, сизга тақдим этилган ҳужжатлар билан тўлиқ танишиш киқилингиз, битимнинг матни сизнинг мақсадингизга мос келганига амин бўлганингиздан сўнггина ҳужжати имзолашингизни маспахат берадирим.

Уйлаймизки, фуқаролар васият ёки ҳада қилишга доир тартиб ва қоидаларни мукаммал ўрганиб, уларга амал қилсалар, юқоридаги каби салбий ҳолатлар бартараф этилган бўлади.

"Тошкент ҳақиқати" мухбири Ирода НОРБОВЕВА суҳбатлашди.

Нишонадорларимиз



ЎЙИНЧОҚ ЭКСКАВАТОРДАН ҲАҚИҚИЙСИГА

Абдусоли ховлида ўйнаб юрар экан, дарвозахонада машина овози эшитилди.

— Дадам ишдан келди-и-и, — кувончи ичига сиймай қучага югурган Абдусоли отасининг бўйнига осилди. — Менга ҳам машина олиб келдингизми, дада?

Унинг жарангдор овози ишдан толиқиб қайтган отага жон бағишлади.

— Ҳа, ўғлим, сен айтган машинангни топиб келдим, ман!

Абдусоли отасининг қўлидаги чиройли қутинчаи сабр-сизлик билан очар экан, кўзлари қувончдан порлаб кетди: "Бўй, бунинг ажойиблигини, ия, тепасида кра-

ни ҳам бор экан..."

Абдусоли отаси ишдан қайтган, машинага чиқиб, рулни айлантириб, "педал", "ричаг" сўзларини такрорлаб, ўзича "ҳайдовчилик" қиларди. Бу сафар дадаси келтирган ўйинчоқ машина бутун фикр-ҳаёлини бағд этди. Шу-шу техникага меҳр қўйди.

Исокул Рустамқулов ўғилларининг ота касбига меҳр қўйишганидан кўнгли тоғдек кўтарилаб, "отаўғил" ларга ҳайдовчилик сирларидан сўзлаб берарди. Унинг меҳнатлари зое кетмади. Ўғиллари Абдусоли, Умаржон Ангрэн кўмир қонида экскаватор машинисти, Абдураҳул эса чилангар. Абдусолининг

меҳнат дафтарчасида "Ангрэн кўмир қони ишчиси ва "экскаватор машинисти" деган сўзларгина қайд этилган. Унинг йигирма йиллик ҳалол меҳнати муносиб баҳоланди. Мустақиллигимизнинг 18 йиллиги арафасида "Меҳнат шухрати" ордени билан тақдирланди.

— Киши ўз меҳнатидан завқланиб ишласа, чарчагани ҳам билинмас экан, — дейди у. — Экскаватор ўрин-дигидан атрофни қузишти, замонавий техниканинг мўъжизавий қуч-қудратини ҳис этиш нақадар мароқли. Уни бошқара олиш ҳам одамда ўзига бўлган ишонч-ни орттиради.

Ҳа, инсон кўнгли киши-си. Бир оғиз ширин сўз, руҳий мадад унга бемисл қуч-қудрат, жўшқин кайфият бахш этади. Эндигина қирқ ёшчи қораланган Абдусоли ҳам ўзига кўрсатилган ҳурмат-этибордан бениҳоя мамнун.

— Қучимга қуч, гайратимга гайрат қўшилди, — дейди у. — Менинг меҳнатларим тўғрисида иқтисодиётимиз юксалса, халқимиз иссиқ уйларида яшаса, бундан ортқ баят борми?

Сайёра РИХСИЕВА, "Тошкент ҳақиқати" мухбири. Даврон АҲМАД олган сурат.

РАСМЛАРДА ЮРТ ТАРОВАТИ

Ўзбекистон Бадий академияси Тошкент Фотосуратлар уюнда Ўзбекистон бадий ижодкорлар уюшмаси аъзоси расм Рўзиҳон Жалилованинг "Қишлоқни гулларни сизга, эзилар" мавзусидаги шахсий кўргазмаси ташкил этилди.

Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида қишлоқларимиз қиёфасини, ҳаёт даражасини янада юксалтириш борасида кенг қўламли ишлар амалга оширилмоқда. Давлатимиз раҳбарининг ташаббуси билан қабул қилиниб, ҳаётга изчил татиқ этилаётган "Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили" Давлат дастурида белгиланган вазифалар ижросини таъминлаш борасида Ўзбекистон

Бадий академияси томонидан қатор лойиҳалар, та-ниқли мўйқалам соҳиблари, санъатшуносларнинг юртимиз бўйлаб ижодий сафарлари, санъат анжуманлари, кўргазмалар ташкил этилмоқда. Жойларда фаолият кўрсатаётган му-савирлар ижодини кенг жамоатчиликка таништириш, янги истеъодларни кашф этиш мақсадида уларнинг асарларидан иборат бадий кўргазмалар

ўтказилмоқда. Р. Жалилова асарларидан иборат шахсий кўргазма бунинг даллидир.

Мўйқалам соҳибасининг картиналарида юртимизнинг гузал табииати, тароватли боғлари, кенг далалари, обод ва фойзли қишлоқлари, самимий ва меҳнатсевар одамлари ёрқин бўёқларда акс эттирилган.

Кўргазмада намоиш этилаётган "Анор", "Қуз наторти", "Довона йўли", "Шоҳимардон", "Она ва бола" каби ўттиздан зиёда асариди аини шу жиҳатлар ўз ифодасини топган.

Назозат АСМОНОВА, ЎзА мухбири.

Яна тўловлар ҳақида

— Ҳой, сингилжон, бу чироқдан Охангарон бозориди йўқми? — Тошкент — Охангарон микроавтобусиди аёллардан бири ёнидаги жувондан сўради. — Бир қоп юкингиз етмаганди, буларнинг олтичасини кўтариб олибсиз.

— Қишлоқда чироқ керакда, — деди жувон рўмолининг учи билан юзидидаги терни артди. — Электр уч-тўрт кунлаб бўлмагандан кейин чироқ ёқамиз-да.

— Қайси қишлоқда, қизим? — сўради орқа ўрин-дикдаги онахон.

— Увақда-да. Ўтган ҳафта қишлоқ электрсиз қолди, тўртинчи кун шомда қўзимиз очилди дегандик, бугун эрталабдан яна йўқ.

— Бизнинг Сусамда ҳам аҳвол шу, — гапга қўшилди орта ёшлардаги киши. — Бу билан тармоқ мутасаддилари истеъмолчиларнинг ҳуқуқини поймол қилишгаётганини тушунишмапти, шеклики. Ахир электр энергиядан қарзимиз бўлмаса, пластик картонка орқали ҳар ой ҳисоб-китоб қилиб бораётган бўлсак.

— Ақа, ҳақ-ҳуқуқини биладиган истеъмолчилар, электр бўлмаган кунларга аҳоли ишларида баённома тузиб, электр тармоқлари қорхона-сига топшириш мумкин-ку, — мунозарга яқун ясади ёшроқ бир йилит.

Йўловчиларнинг эътирозлари бизни Охангарон шаҳар ва туман электр тармоқлари қорхонасига бошлади.

— Туманинг Ангрэн шаҳрига чегаралаш Увак қишлоғи "Олмалик кон-металлургия комбинати" очик ак-

циядорлик жамияти тасарруфиди Ангрэн кон бошқармаси нимсангисига орқали электр қуввати билан таъминланган, — дейди қорхона бошлиғи вазифасини бажарувчи Илхом Қаюмов. — Увакликларнинг эътирозлари нотўғри дейлмайдим. Сўнгги вақтларда техник носозликлар сабабли бу ерда электр таъминотида

2009 йилнинг 1 январь ҳолатига туманда электр энергия буйича 3 миллиард 1 миллион 577 миң сўм миқдорда умумий қарздорлик қайд этилган бўлиб, шундан 2 миллиард 728 миллион сўми аҳоли ҳисобига тўғри келади. 1 сентябрь ҳолатига қарздорлик қамайиши кузатишган. Бунинг билан миқдорда таҳлил

керак...

Тўғри, хизмат соҳаларидан тартиб, ҳамма қорхона, ташкилот ва муассасаларга қилувчи органлар томонидан бугунги кунда электр, табиий газ ҳамда коммунал хизматлар буйича қарздорлик қамайтириш борасида электр тармоқлари қорхонасига амалий ёрдам кўрсатилмапти. Жумладан, шу йилнинг етти ойи давомида электр қувватидан ноконуний фойдаланилган 341 та ҳолат юзасидан далолатнома тузилиб, фуқаролар судига тақдим этилди. Судда қўриб чиқиш учун берилган қарздорлар рўйхати ҳам узундан-узук. Ёнариқда Олим Бўриев хонадонини 1 миллион 357 миң 689 сўм, Сарихайлоқ қишлоғи-

да истиқомат қилувчи Умар Алиев 507 миң 384 сўм қарз. Бундай салмоқли рақамларни қўллаб келтириш мумкин.

Ҳўш, бу катта миқдордаги қарзлар қаёқдан келиб чиқаяпти? Табиийки, бунга далиллар бисёр. Масалан, ўрғозилик А. Шоув электр хисоблагичини орқага айлантириб, 1 миллион 504 миң 742 сўм 4 тўтин қарзидан осонгина қутулишга уринган-у, урдасидан чиқа олмай, қўлга тушиб қолган.

— Аини вақтда тўловлар буйича тез-р хисоб-китоблар воситиси "Paynet" хизматидан охангаронлик истеъмолчилар ҳам фойдаланишмоқда, — дейди Тошкентдаги "Энергопай" масъулияти чекланган жамиятининг қорхонадаги вакили Дилафруз Абдурахмонова. — Жамият ажратган 7 та "Paynet" тизими қорхонада бериштирилган ҳодимлар билан бирга маҳалларда, олис қишлоқларда аҳоли қарзини қамайтиришга кўмаклашмоқда ва ўз ўрнида банкдаги пул тушу-мига ижобий таъсир ўтказмоқда.

Хулоса шунки, қорхона ҳодимлари бугунги долзарб палла — қуз-қиш мавсумига ҳозирлик қўриш баробарида қарздорликни қамайтириш учун бор имкониятлардан оқилона фойдаланиш, тегишли ташкилотлар ҳамда жамоатчилик билан биргаликда иш олиб боришлари зарур. Зеро, ўзи-ўзи бўлганлик билан иш битмайди.

Мунаввара РАҲАББОВА қизи.

Дил изҳори

ҚАЛБ МЕЪМОРАРИ

Мактаб халқ ва жамият учун муқаддас даргоҳ бўлса, мурғак қалбларга ҳаммиси тўғри йўл кўрсатувчи, ёшларда эътиқодни шакллантирувчи улғуф касб соҳибни ўқитувчи ва мураббийлардир.

Ўқитувчилик — ниятда масъул вазифа. У ёшлар онгига замонвий тафаккурни сингдириб, қомил инсонни вояга етказиши.

Марҳум устозимиз — фалсафа фанлари доктори, профессор Карим Содиковнинг ажойиб бир ўғити ҳамон хотирамизда қолган: — Шунинг билан, қалб олий даражадаги эзгулик кўзгусидир. Айниқса, болалар қалбини шаффоф идишдаги сувга қиёслаш мумкин. Агар идиш тинч турса, лойқалар қўқиб, сув тиниклашади. Ва идишдаги сув қанчалик тиник бўлса, биз сувда ўз аксимизни шунчалик аниқ кўрамиз. Лекин у чайқатиб юборилса, лойқалар ҳаракатга тушиб, сув хиралашади. Натижада лойқа сувда ҳеч нарсани аниқлаб бўлмайди...

Демак, қалбни сувли идишга, устоз фикрларини эса сувга тўшаётган нурга қиёслайдиган бўлсак, идишдаги сув чайқалганда нур ҳам чайқалиб, у бизга худди синаётгандек бўлиб қўринади. Яъни, қалб беэвоқланиб, жунбўшга келади ва фикрлар ҳам чалқашиб, заифлаша боради. Яъни ўқитувчи ўз ўқувчиларининг кўнгли, қалб шисасини синдириб қўйишдан эҳтиёт бўлиши керак.

Миллий истиқлол мафкураси билан қоролланган, инсонни шакллантиришда фидойилик намунасини кўрсатаётган олижаноб ўқитувчи ва устозларнинг қамолотини кўриб, қувонасан, киши.

Устозлари йўлидан бо-

риб муносиб шоғирдлар етиштириб чиқараётган ёш, маънавиятга бой, эътиқод ва садоқатда қатъиятли маърифатчилар Тошкент туманида ҳам йил сайин қўпайиб бормоқда. Ўнлаб иқтидорли, билими пухта, эътиқоди мустаҳкам маърифатчилар халқ таълими ривожига муносиб ҳисса қўшмоқдалар. Илм-фан бобида порлоқ истиқбол соҳибаси, халқ маорифи аълочили Дилдора Пулатова, табиатан изланувчан ва ташаббускор Шоҳида Йўлдошева, Москвада бўлиб ўтган V халқаро Пушкин талловининг лауреати, рус тили ўқитувчиси Лола Тилолова, "Энг маънавият-ли аёл ўқитувчи" ва "Йил тарбиячиси" Зухра Қодирова туманининг билим доираси кенг, истеъод ва идрок юксак маорифчиларидандир.

Келажакни қўлдан чиқаришни истамаган жамият мактаб ва халқ таълими ҳақида доимо ғамхўрлик қилади. Буюк келажакни халқ қиладиган ўқитувчи ва мураббийлар меҳнатини эса бошқа ҳеч бир касб билан таққослаб бўлмайди. Минглаб қалбларга эзгулик ёдусини бахш этаётган барча ўқитувчи, мураббий ва устозлар каби эр-таъзим давомчилари бўлмиш фарзандларимиз таълим-тарбия йўлида меҳнат қилиб келаятганимиздан ҳаммиси фахрланамиз.

Эркин ҒУЛОМОВ, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган ёшлар мураббийси.

ЁҚИЛҒИ УЧУН ЧАКАНА (МЕЪЁРИЙ) НАРХЛАР 2009 йил 1 октябрдан жорий этилди УМУМИЙ КЎРСАТМАЛАР

1. Ушбу прејскурант тарифлари Ўзбекистон Республикаси ҳудудида аҳолига етказиб берилаётган табиий газга қўлланилади.

2. Уй ва квартираларни яқка тартибда иситиш учун аҳоли томонидан фойдаланилган табиий газ ҳақи, иситиш ускуналарининг туридан қатъи назар, беш ойлик иситиш мавсуми учун ойма-ой белгиланган.

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари иситиш мавсуми муддатини беш ойдан кам ёки ортқ қилиб белгиланган тақдирда ишлатилган газ учун истеъмолчилар билан тегишлича қайта ҳисоб-китоб қилинади.

3. Агар истеъмолчи (абонент)да иккита ва ундан ортқ газ плиталари ёки иссиқ сув таъминоти учун иситиш ускуналари бўлса, бу газ ускуналари учун газ сарфи меъёри икки марта ёки ундан кўпроқ оширилади.

4. Газ ўлчагичи ўрнатилган уй (квартира)ларда аҳоли ишлатган газ ҳақи ўлчагич кўрсатган рақамлар ва ушбу прејскурантда белгиланган тариф буйича олинади.

5. Ишлатилган газ учун тўлов миқдорини белгилашда ҳамма, шу жумладан, вақтинча яшовчилар ҳам ҳисобга олинади.

6. Ишлатилган хоналарга иситиш ускунаси (иситиш юзаси) қаерга ўрнатилганидан қатъи назар барча фойдали хажми, яъни яшаш хоналари, ваннахона, ошхона, коридор, шунингдек, иситиш ускуналари (иситиш юзаси) бўлган бошқа хоналар (веранда, терраса, ойнаванд балкон ва бо-

шқа қўшимча қурилмалар) қиради.

7. Прејскурантнинг 2-бўлими тарифлари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 28 мартдаги 99-2003 йил 2 октябрдаги 421-қарорлари билан тасдиқланган аҳолига етказиб бериладиган табиий газ сарфи меъёрлари ҳисобга олинган ҳолда ишлаб чиқилган.

Истифладиган хона меъёри бир киши учун 43 куб метр қилиб белгиланган.

Меъёрда белгиланган хона (43 м³ / одам) иситишга сарфланган газ учун белгиланган тариф буйича, меъёрдан ортқ-часига эса бир ярим баравар миқдорда ҳақ тўланади.

Иссиқхона ва оранжереяларни муқобил сув иситиш ва қозонлар орқали иситиш учун, яқка тартибдаги меҳнат фаолияти билан шуғулланишда тандир ва оқват пишириш қозонларига сарфланган газга ўлғуржи истеъмолчилар учун белгиланган тариф буйича ҳақ олинади. Газ ўлчагичлар йўқ бўлган тақдирда газ сарфи кечаю кундуз ишлайдиган газ горелкаларининг иситиш мавсуми учун белгиланган энг юқори қуввати буйича аниқланади.

9. Ушбу прејскурантнинг "Умумий кўрсатмалар" ёки кейинги барча қўшимча прејскурантларга, агар уларда ўзгача фикр баён этилмаган бўлса, бевосита тааллуқлидир.

10. Ушбу чакана нархлар Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги илгари тасдиқланган (2009 йил 27 мартдаги реестр № 19-03-22-05-РЎЗ-12-2009) нархлар ўрнига 2009 йил 1 октябрдан жорий этилади.

1. Аҳолига фойдаланилган табиий газ учун тарифлар				
Тартиб рақами	Номи	Стандарт ёки ТУ	Ўлчов бирлиги	Ўлчов бирлиги (сўм)
1.1	Газ ҳисоблагич ўрнатилган аҳолига бериладиган газ	ГОСТ 5542-87	10м ³	450.00
1.2	Газ ҳисоблагич ўрнатилган аҳолига бериладиган газ: оқват пишириш ва иссиқ сув таъминоти учун иситиш учун		10м ³	778.00
			10м ³	360.77

2. Газ ўлчагичи ўрнатилмаган ҳолда коммунал-хўжалик эҳтиёжлари учун фойдаланилган газ тарифлари (ГОСТ 5542-87)				
Тартиб рақами	Истеъмолчи тавсифи	Ўлчов бирлиги	Тўлов тарифи йиллик*	Тўлов тарифи ойлик
2.1	Марказий (яқка тартибда) иссиқ сув таъминоти бор уйларида оқват пишириладиган газ плитаси	бир яшовчидан 11.0 м ³	10.269.60	855.80
2.2	Газда сув иситиш ускунаси йўқ, марказий иссиқ сув таъминотисиз уйларида оқват пишириладиган газ плитаси	15.0 м ³	14.004.00	1.167.00
2.3	Марказий иссиқ сув таъминотисиз ёки вақти-вақти билан таъминланган уйларида иссиқлик таъминоти учун газда сув иситиш ускунаси	16.0м ³	14.937.60	1.244.80
2.4	Газда иситиш ускунасининг туридан қатъи назар, уй ва квартираларни яқка тартибда иситишда газдан фойдаланганлик учун беш ойлик иситиш мавсумига ойма-ойига: Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилояти Тошкент шаҳар ва бошқа вилоятлар	1м ³ хонага 6.0м ³	1.082.50	216.50
		1м ³ хонага 5.76 м ³	1039.00	207.80
2.5	Дағал ва илдиэмева озукларни бўғлаш ҳамда молларга ичириш ва санитария мақсадларида сувени иситишни ҳисобга олган ҳолда чорва учун озук таёйрлаш	сигирлар 23.7 м ³ хўй (эчки)лар 2,2 м ³ чўчкалар 12,5 м ³	22.126.80	1.843.90
			2.054.40	171.20
			11.670.00	972.50

* Иситиш учун беш ойлик мавсум давомида ҳақ тўланади.

Маънавият



"БИР ФИДОЙИ ЁРИНГМАН, МИЛЛАТ..."

Жоним Ватан, шайим Ватан, кўзим Ватан
Эсан чиқар они кўргоч, кўргон ерим...

Бу сатрлар серкира ижод соҳиб, беназир таржимон, табиб ва рассом Сидкий Хондайликий қаламига мансуб. Чиндан ҳам у бугунги ҳурлик ва озодликни бир умр армон билан қўйлаб ўтган маърифатпарвар алломалардан эди...

Қисқа, бироқ ибратли умр йўлини босиб ўтган Сирохиддин Махдум Сидкий-Хондайликийни ёд этиб, ўзи туғилиб ўсган Бўстонлик туманида катта маърифий кеча бўлиб ўтди. Тошкент вилоятида Хожа Ахрор Валий, Шайх Умар Богистоний, Абу Бакр Шоший, Ҳўжа Сулаймон Банокотий, Ҳофиз Куйий, Элбек, Музаёна Алавия каби қўйлаб муносор зотлар камолга етиб, тафаккур осмонидан сўнмас юлдуз каби инсонлар қалбини илм ва эзули нур билан ёритдилар, — деди анжуманни очган Ўзбекистон халқ шоири Махмуд Тоир. — Сидкий Хондайликий ҳам ана шундай заҳматкаш аждодларимиздан биридир. Мустиқлик туғайли қўйлаб буюк ватандошларимиз қатори унинг ҳаёти ва ижоди ҳам қайта кашф этилди, десак хато бўлмайди. Фидойи олимлар, ёзув-

чилар ҳаракати билан ижодкорнинг қўйлаб қўлёзмалари нашрдан чиқди.

Анжуманда иштирок этган адабиётшунос олим Наим Каримов Сидкий Хондайликийнинг ҳали ўқувчиларга маълум бўлмаган қўлёзмалари, нашрга тайёрланган тўпلامлари хусусида батафсил гапирди. Хондайликий асарлари ўқувчилар қўлига етиб боришида жонбозлик кўрсатган адабларимиздан бири, Ўзбекистон халқ шоири Жуманиёз Жабборов Сидкий газаллари ва таржимонлик фаолиятига алоҳида тўхталиб ўтди. Машҳур "Минг бир кеча", Ше-

розийнинг "Бўстон" асари, "Тазкираи Имоми Аъзам", "Раҳимо-таржимаи Каримо" каби ўнлаб таржима асарлари ўзбек адабиётида ҳамон ўз аҳамиятини йўқотмаган.

Ўзбекистон Миллий университети доценти Адхам Олимбеков Сидкий Хондайликий ва унга замондош бўлган бир қатор аждодларимизнинг асарларини тадқиқ этиш борасида университет олимлари олиб бораётган ишлар, шу жумладан, талабаларнинг изла-нишлари хусусида гапирди.

Анжуман сидкийхонлик мушоирасига улашиб кетди.



Ўзбекистон халқ шоирлари Жуманиёз Жабборов, Махмуд Тоир, халқаро Ясавий муқофоти соҳиббери Темир Убайдулло, шоирлар Шавкат Туроб ва Нурали Абдураҳмоновларнинг шеърлари ҳамда ҳушовоз хонандалар ижросидаги диалог куй-қўшиқлар йиғилганларга хуш кайфият бахш этди.

Зарифа ЭРАЛИЕВА,
СУРАТААРА: тадбир-
дан лавҳалар.
Еркебой БОТИРОВ
олган суратлар.

"Гўрда ётибманмикин?" Кўзини очиб, Соли пиёнини калласига келган биринчи савол шу бўлди. Атроф зим-зиё — йилт этган чироқ йўқ. Нафас олиб бўлмайди, келин, тиркиш ҳам йўқ. Аммо гўрда музлаши керак эди, исиб кетяпти-ю! Остида ҳам куруқ тупроқ эмас, тўшақ! Устида эса... Сийпалаб қўриб, унияи кўрпалитига ишонч ҳосил қилди. Кўрпа бўлгандаимиз эди ой кўрпа! Ё катта ҳурмат-этибор кўрсатишиб, кўрпа-тўшақ билан кўмишдимикан? Балки хотини яна бирор ёққа сангиб кетиб қолмасин деб, кўрпага ўраб, устига тракторни бостириб қўйдими-кан?

Бош оғриғининг маълумотларига қараганда, кеча тўйда бўлгани аниқ. Ҳа, Носир бўқоқ ўғлини уйлантирганди. Нахорги ошдаёқ томоқ кичиғини қондиришни бошлади. Хотин оши, базмлар ҳам куруқ ўтмади. Кейин, бу орада оғилга кириб, юмшоққина сомон устида "рекламна пауза" ҳам қилиб чиқди. Келин келиб, тўй ярим бўлганда яна даврада пайдо бўлди. Ҳамма ўзи билан ўзи овора бўлиб қолган... Йиқилган шишадан ағанаган маст кўп! "Шиша томи"ни тугаллаб, "стакан сиқти"ни энди бошлагани, чироқ кургур ўчиб

турибди-да! Ит эгасини, мушук холасини танимайдиган тўполон бошланди. Энг алам қиладигани, энди келин-куёв столга навбат келганди! Келиннинг олди-



даги қадахни олиб, қўвни-кига ағдараётганди, ё устидан стол босиб тушди, ё у столнинг устидан босиб тушди. Эмаклади, туртинди, суринди, кейин... Аниқ эс-лолмайди. Ёдида қолгани, қулғи остида иккита кампирнинг шангиллагани: — Яхши бўлди, ёшлар тезроқ бири-бирининг қучоғига қиради. — Суялмасдан кўрпаларни тез-тез солинг, ҳали замон келин-куёв келиб қолади!

Кимдир устига кўрпа ташлади. Кейин яна, яна, яна... Совқотиб қолмасин дейишди, етти қават ташлашди-ёв ўзим! "Қандай меҳрибон одамлар бор-а дунё-

да!" деб ётиб, пинакка кетиб қолибди. Уйғонса, бу ахвол! "Нахотки..." Соли пиён калласига келган фикрдан сесканиб кетди. Топида... Ҳа, етти қават кўрпанинг устида... Куёвбола хира шам ёруғида ёлгон ваъдалар билан келиннинг бошини, пастда эса, "Улиб қолмасимдан, чиқишга уриниб кўрсаммикин?" деган фикрлар Соли пиёнининг бошини айлантара бошлади.

— Кимирляпти! — деди тепада куёвбола бир сесканиб.

— Ҳазиллашманг! — келин нозланди.

— Е...е...ер кимирляпти!! — Куй сакраб ўрнидан туриб, эшик томон отилди.

Соли пиён "дўзах"дан чиқиб келганда... келин бола шамнинг шундай остида, оғзини очганча қотиб ўтирди. Бировнинг хасми деб тузукроқ қарамади ҳам! Айланма кўчага етганда, бир яланғоч йигит ўқдай учиби, ёнидан ўтди.

— Кимирляпти! Кимирляпти! — деб хайкирганича кўздан қийиб бўлди. Бор гап шу. Электросетдаги "бўм-бўм"лар "Туйдан тўёна келмади", дейишиб чироқни ўчириб қўйишган, камига бефаросат кампирлар унинг устига чимилдик барпо қилишган бўлса, Соли пиёнда нима айб? Узи айтарили катта фалокат бўлгани йўқ: келин дудук, куёв "даранг!" деган овоз эшитса, хушидан кетиб қоладиган бўлиб қолди, холос! Юраги ёрилиб ўлиб қолгани йўқ-ку! Шугина нарсаса, "Хаммаси сен касофат айдоорсан!" дейишиб Соли пиёнга маломат қилишгани ортиқча!

Саид МУҚИМОВ.

Телефонлар:

Хатлар ва оммавий ишлар бўлими:
236-55-54.
Эълонлар: 236-55-03,
236-53-54.

Манзилимиз:

100000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32.

Тошкент вилояти Матбуот ва ахборот бошқармаси томонидан 2006 йил 18 декабрда 03-001 рақами билан рўйхатга олинган.

Газета «Тошкент ҳақиқати» таҳририяти компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

Навбатчи муҳаррир
Жўра САЪДУЛЛАЕВ
Навбатчи
Хуршида НАЗАРОВА
Саҳифаловчи
Умид УБАЙДУЛЛО

Хафтанинг чоршанба ва шанба кунлари чиқади.

Нашр индекси — 205.

Буюртма Г-940. Адади 4253.

Ҳажми — 2 табоқ, офсет усулида босилди, қоғоз бичими А-2.

ISSN 2010-9318.

Белгилли материаллар — тижорат материаллари.

"Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида босилди.

Қорхона манзили: "Буюк Турон" кўчаси, 41-й.

Босишга топшириш вақти — 20.00. Босишга топширилди — 20.50.

2 3 4 5

Спорт

«ОЛМАЛИҚ» ПЕШҚАДАМДАН ОЧКО ОЛДИ

Футбол бўйича Ўзбекистон XVIII миллий чемпионатининг олий лигасида пешқадамлик қилаётган "Бунёдкор" (Тошкент) жамоаси йигирма тўртинчи турда очко йўқотди. Бунгача 23 ўйинда кетма-кет галаба қозongan "Бунёдкор" футболчилари "Олмалиқ" меҳмони бўлиб, мағлубиятдан базур қутулиб қолди — 2:2.

Учрашувда мезбонлар бош мураббий Игорь Шквирин кучли жамоа шакллантираётганини яна бир қарра исботлади. Ўз муҳлислари гувоҳлигида ҳужумкор ўйин кўрсатган олмалиқликлар Артурас Фоменко ва Александр Востриковнинг биттадан голи эвазига меҳмонлар дарвозасига иккита тўп киритди. Бироқ мезбонларга галабани ушлаб қолиш насиб этмади. Ўйин якунланишига беш дақиқа қолганида Осиёнинг энг яхши футболчиси — Сервер Жепаров кетма-кет иккита гол уриб, "Бунёдкор"ни мағлубиятдан қутқариб қолди. С.Жепаровнинг "Олмалиқ" дарвозасига киритган иккинчи тўп унинг олий лигадаги юзинчи голи сифатида қайд этилди.

Жорий мавсумда ҳам қумуш медални қўлга киритишга яқин турган пойтахтнинг яна бир жамоаси — "Пах-

такор" футболчилари ўз майдонида "Сўғдиёна"ни қабул қилди. Жиззахликлар мезбонларга фақат биринчи бўлимда жиддий қаршилиқ кўрсата олди. Ҳисобни пахтакорчи Боян Милладинович очган бўлса, таънафусгача Муқимжон Тошматов вазиятни тенглаштирди. Ўйиннинг иккинчи ярмида ҳужумни кучайтирган пахтакорчилардан Одил Аҳмедов иккита, Рўзимбой Аҳмедов ва Илҳом Суянов биттадан гол уриб, жамоасининг йирик ҳисобдаги галабасини таъминлади — 5:1.

Қаршида Бекободнинг "Металлург" жамоаси дарвозасига жавобсиз учта тўп киритган "Насаф" футболчилари мусобақа ҳадвалида учинчи ўринга кўтарилди. Голиб жамоа голлари Самандар Шодмонов, Илҳом Шомуродов ва Жасур Бобоев ҳисобига ёзилди.

Ў.А.

Оадамийлик шеваси

Биз, тўрт-беш нафар қариялар ҳар шанба маҳаллаимиз гузаридида чойхонада қозонга қўнғилимиз тусатган овқатни ташлаб қўйиб, гурунглашамиз. Одам тафтини одам олади, деганларидек, шу йўсинда қўнғиллар гуворини ёзамиз, атрофдаги воқеа-ҳодиса ва янгиликлардан воқиф бўламиз.

Навбатдаги гурунгда улфатларга мўлжалланган алоҳида-алоҳида хоналардан бирининг эшиги очик қолган экан, ичкаридаги хангома ташқарига баралла эшитилиб турибди. Йигитлардан бири зўр бериб оғайиларига мактанаяпти:

— Янги йилга бир кун қолган. Кечки пайт улфатлар билан "бўза"лашиб ўтирсак, қўнғилим чакриб қолди. Кичкина эркатой ўғли "Янги йилга арча япатиб бера-сан", деб тўполон қилаётган экан. Арча бозори икки-уч кун олдин тугаган, энди у анқонинг уруғи. Қўшним "Фақат сенинг қўлингдан келадими", деб ялиниб туриб олди. Ноилоҳ, ошна-оғайни, таниш-билиш дегандек, уч-тўрт соат уриниб, арча тополмадим. Бу ўртада оқшом ўтиб, тун бошланди. "Бўза"нинг таъсирими, қўшним билан эркатой ўғли кўз олдимдан кетмади. Таваккал қилиб, қўлимга болтани олдим-

да, машинага ўтирдим. Тошкент кўчаларини айланиб, ният арча қўчати экилган хиббонни топдим. Ҳаммаёқ зим-зиё, одам зоти кўринмайди. Арчалардан бирини танлаб, шартта болта урдим-у, машинага текиб, жўнавордим.

кучлилик қилиб, шу пайтгача ҳеч кимга лом-мим демаганим. Анави бе-маза гапдан кейин ҳам айтмасам, ёрилиб кетаман-ов.

Чехославакиянинг баланд тоғлари кўйидаги сўлим оромгоҳ, Қишнинг ўрталари. Ердан, дов-

ганимни ўзим ҳам сезмай қолибман. Мезбонлардан бири бизни кузатиб юрган шеклини, ошхонага яқинлашганимизда, рўпарамизга келиб, тавозе билан саломлашди. Яхши кайфият тилаб, мулозамат кўрсатган бўлди-ю, юмшоққина қилиб савол берди:

— Арчаннинг шохини нима мақсадда синдириб олганингизни билсак бўладими? У сизга шунчалик керакми?

Бу мулоимгина саволнинг замирида кучли киноя, заҳарханда таъна ва яна аллақанча дашномлар яширинган эди. Уларни бефаросат одамгина фаҳмламаслиги мумкин. Ўзимизни оқлаш учун тилимизга бирор жўяли сўз келмади. Келганда ҳам энди бундан нима наф? Бизни бу ноқулай ахволдан фақат бир замбилу икки ҳаммол қутқариши мумкин.

"Ўлганнинг устига тепган" қилиб, мезбон яна тилга кирди. Табиатга, айниқса, одамлар қўли билан яратилган гўзалликларга ноҳужа даҳл қилиш маданиятсизлик (яъни тарбиясизлик) эканлиги ҳақида анча гапирди. Хуллас, ўзбекча айтганда, то тушликка таклиф қилгунча, "қонимизни ичди". Лекин, наҳора, у — ҳақ, ҳамма ай ўзимизда эди...

Самад йўлдош.

Рассом ханадаси



Қўлга ўргатилган «шер».

Осимхон ВОСИХОНОВ чизган расм.

Общество с ограниченной ответственностью "ABSOLUTION-AUKK" (ИНН 204851484, ОКПО 19392385), зарегистрированное отделом государственной регистрации субъектов предпринимательства при хокимияте Чиланзарского района г. Ташкента № 000232-08 от 13 февраля 2004 г. в соответствии с решением учредителей № 6 от 6 октября 2009 г. ликвидировано.

Претензии принимаются в течение 2-х месяцев со дня опубликования объявления по адресу: 100115, г. Ташкент, Чиланзарский район, ул. Чиланзарская, д. 83 или по тел.: 433-37-73.

Давлат мулки қўмитасининг Тошкент вилоят ҳудудий бошқармаси томонидан 15.10.2004 йилда Мусаев Азиз Абдухалилович номига берилган № 10084-Асонли мулк қўқуқни тасдиқловчи давлат ордери йўқолганлиги сабабли

БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

ООО «AL-TASH» Чиланзарского района г. Ташкента (ИНН 201534895) сообщает об уменьшении уставного фонда с 5 397 371 сумов 27 тийин до 452 839 сумов 45 тийин. Тел.: 279-78-54.

Фойдали МАСЛАҲАТЛАР

Йўталдан қутулиш усули

Пиёни гўшт қиймалагичдан ўқтазинг. Хосил бўлган қуюқ бутқани оғзи кичикроқ шиша идишга солиб, устини хамир билан қоплаб ва духовкага қўйинг. Хамир қотиб, уваланиб тушгач, идишнинг совутинг. Шишадаги пиёз сувини кунга овқатланишдан олдин икки ош қошиқдан уч маҳал ичинг. Йўталдан жуда тез қутуласиз.

МАНДАРИН РАКНИНГ ОЛДИНИ ОЛАДИ

Япон олимларининг аниқлашларича, мандарини мунтазам истеъмол қиладиган кишиларда жигар ракига чалиниш ҳавфи қамроқ экан. Қолаверса, мандарин вирусли гепатит, диабет, қон айланиш тизими ишдан чиқишининг олдини олади. Таркибида А (каротин) витамини кўп бўлган мандарин бошқа касалликлар келиб чиқишини ҳам бартараф этади.

Тошкент архитектура-қурилиш институти томонидан 2003 йилда Мухамеджаров Джаҳонгир Эргашевич номига берилган В № 112262 (1273-ВК) рақамли диплом йўқолганлиги сабабли

БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

Янгийўл туманидаги 26-умумтаълим мактаби томонидан 2007 йилда Эргашев Элмурод Махаммадалиевич номига берилган У № 2869823 рақамли шахрдатнома йўқолганлиги сабабли

БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

Тошкент шаҳар ҳокимлиги Соғлиқни сақлаш бош бошқармасининг 26.09.2009 йилдаги № 122 буйруғига асосан Тошкент шаҳар Учтепа туманига қарашли «3-KATTALAR STOMATOLOGIYA SHIFONXONASI» (ИНН 203524692) Учтепа туманидаги «3-SON STOMATOLOGIYA POLIKLINIKASI» (ИНН 204946278)га қўйлаётганлигини маълум қилади.

Даво ва аризалар қуйидаги телефонлар орқали қабул қилинади: 272-35-25, 158-41-69.

Сгоревший при пожаре аттестат о среднем образовании № 392562, выданный 25 июня 1977 году школой № 175 Мирабадского (быв. Ленинского) района г. Ташкента на имя Алиевой Нияр Хамраевны, считать НЕДЕЙСТВИТЕЛЬНЫМ.

Учтепа туман хокимияти томонидан 2006 йил 22 мартда № 01-00713 реестр рақами билан қайта рўйхатдан ўтган "ZEBINISO-ONA" хусусий ишлаб чиқариш тижорат фирмасининг ҳуқуқий-мулкчилик шакли "ZEBINISO-ONA" маъмулияти чекланган жамъияти ўзгарганлигини маълум қилади.